



## SOME FOREIGN COUNTRIES' EXPERIENCE IN PREVENTING CRIMES BY PREVIOUSLY CONVICTED PERSONS

**Umbarov Khurshid Samatovich**

Student of the Higher School of Judges under the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15056346>

### ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> March 2025  
Accepted: 19<sup>th</sup> March 2025  
Online: 20<sup>th</sup> March 2025

### KEYWORDS

*Previously convicted person, repeat offending, criminological profile, causes of crime, prevention.*

### ABSTRACT

*This article analyzes the criminological characteristics of previously convicted individuals. It highlights the socio-spiritual characteristics of persons who have committed crimes, the factors influencing their criminal behavior, including spiritual, social, economic, and psychological reasons.*

## ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

**Umbarov Xurshid Samatovich**

O'zbekiston Respublikasi Sudyalar oliy kengashi huzuridagi Sudyalar oliy maktabi tinglovchisi  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15056346>

### ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> March 2025  
Accepted: 19<sup>th</sup> March 2025  
Online: 20<sup>th</sup> March 2025

### KEYWORDS

*Ilgari sudlangan shaxs, residiv jinoyatchilik, kriminologik tavsif, jinoyatchilik sabablari, profilaktika.*

### ABSTRACT

*Mazkur maqolada ilgari sudlangan shaxslarning kriminologik tavsifi tahlil qilingan. Jinoyat sodir etgan shaxslarning ijtimoiy-ma'naviy xususiyatlari, ularning jinoy xatti-harakatlariga ta'sir etuvchi omillar, shu jumladan, ma'naviy, ijtimoiy, iqtisodiy va psixologik sabablar yoritilgan.*

Барча ривожланган мамлакатларда жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, турли давлатларда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдаги чора-тадбирлар турли йўللار ва усуллар билан амалга оширилади. Мазкур соҳада ҳар бир давлат ўзига хос



тажрибага эга бўлиб, уларни ўрганиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Илгари судланган шахсларнинг жиноятчилигини барвақт олдини олиш борасида хорижий давлатлар тўплаган тажрибани ўрганиш бу масалага тизимли ёндашувни талаб қилади. Хорижий давлатларда илгари судланган шахслар жиноятчилигининг барвақт профилактикасини амалга оширишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимлари алоҳида ўрганиш лозим бўлади.

АҚШда жиноятлар профилактикаси, хусусан, рецидив жиноятларнинг олдини олиш вазифалари асосан штатларга юклатилган. Илгари судланган, хусусан, назорат қилинишга муҳтож бўлган ўта хавфли жиноятчилар билан АҚШ полициясида асосан полиция участка нозирлари иш олиб боради. АҚШда ўтказилган социологик сўров натижаларидан маълум бўлишича, мамлакат аҳолисининг 70 фоизи ҳудудий яқинлиги ва тезкор ҳаракат қилиш имкониятини инобатга олиб, полиция участка нозирларига мурожаат этишни

маъқул кўрадилар<sup>1</sup>. Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахсларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш эса, унинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтиришга хизмат қилади<sup>2</sup>.

Бугунги кунда АҚШда 7 миллиондан ортиқ шахс жиноий (полиция) назорати остида, шу жумладан 2 миллиондан ортиқ шахс жазони ижро этиш муассасаларида, яна 5 миллиондан ортиғи муддатидан олдин шартли озод қилинган ва синов муддатини ўтаётганлар ҳисобланди<sup>3</sup>. АҚШ тажрибасига кўра, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахсларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоийлашувини таъминлашни давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Жумладан, бундай тоифа шахслар билан ишлашда асосий эътибор уларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришга қаратилган.

Дарҳақиқат, илаги судланган шахслар билан ишлашда ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш муҳим аҳамият касб этиб, ушбу тоифадаги шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш, уларнинг хулқ-атворини тузатишга хизмат қилади.

Америка Қўшма Штатлари маъмурий ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича дунёда ўзига хос тизим ва илғор тажрибага эга бўлган давлат. АҚШда 40 мингдан ортиқ полиция идора-агентликлари мавжуд бўлиб, мамлакатда уларнинг бошқарилишини мувофиқлаштириб боровчи марказий полиция идораси мавжуд эмас. Мазкур полиция идораларининг кўпчилиги уч мингдан ортиқ графликда жойлашган шерифлик

<sup>1</sup> Мьшляев Д.Н. О роли участковых инспекторов милиции в предупреждении административных деликтов, посягающих на общественный порядок// Проблемы деятельности служб общественной безопасности на современном этапе. – М., 2000. – С. 100.

<sup>2</sup> Южанин В.Е. Дисциплинарная ответственность заключенных в тюрьмах Англии: аналитич. обзор; М-во юстиции Рос. Федерации, Акад. права и упр. Рязань, 2004. – С. 16.

<sup>3</sup> Bureau of Justice Statistics, U.S. Department of Justice. 2017. // URL: <http://bjs.ojp.usdoj.gov/content/glance/tables/corr2tab.cfm>.



идораларидир<sup>4</sup>. АҚШда 18789 та маҳаллий полиция участкалари мавжуд бўлиб, уларнинг 13.578 таси умумий тартибдаги маҳаллий полиция бўлинмалари, 3088 таси шерифлар идоралари, 49 таси штатлар бўлинмалари, қолганлари эса маҳаллий ва штатлар махсус юрисдикция бўлинмалари (порт полициялари, транспорт полицияси ва бошқалар) ҳисобланади. Мамлакатда тўлиқ иш кунда ишлайдиган, қасамёд қабул қилган полициячилар сони ҳар 1000 нафар аҳолига 2,4 нафар, катта шаҳарларда эса 2,3 нафардан тўғри келади<sup>5</sup>.

Европа мамлакатлари орасида маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида яна бир ўзига хос тизим Германияда қарор топган. Германия давлат бошқаруви тизимида полиция асосий ўринлардан бирини эгаллаб<sup>6</sup>, ўз ичига Федерал ИИБ ва Ўлкалар ИИВларини қамраб олади. Ўлкалар ИИВлари Федерал ИИВнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаради, Федерал ИИБ эса субъектлар ваколатига кирадиган вазифаларга аралаша олмайди<sup>7</sup>. Мамлакатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини асосан ўлкаларнинг полициялари амалга оширади.

Мамлакатда жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими марказлашмаган бўлиб, ўлкалар ҳуқуқ-тартибот хизматлари махсус тартиб бўйича давлат органларидан фарқланади<sup>8</sup>. Мамлакат жамоат тартибини сақлаш полициясида 160–165 минг нафар ходим хизмат қилади<sup>9</sup>.

Германия қамоқхоналарида “очиқ” бўлимлар мавжуд бўлуб, уларда енгил жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган маҳкумлар қисқа муддатга озодликдан маҳрум этилади. Бошқа маҳкумлар эса озодликка чиқишларидан бир йил олдин оддий қамоқхоналардан ушбу бўлимларга ўтказилади. Бундай бўлимларда маҳкумлар ўз кийимларини кийиб, қариндошлари ва дўстлари билан телефон орқали мулоқот қилишлари мумкин. Улар ўзлари ишга бориб, кечкурун қайтиб келишади, уч-тўрт кишилик хоналарда яшашади. Ҳафтада бир кун улар оиласи билан яшаш ҳуқуқига эга. Қамоқда сақлаш жойларидан озод қилинган шахсларга, зарур ҳолларда, Адлия вазирлигининг ижтимоий ходимлари томонидан ишга жойлашишда ёрдам кўрсатилади.

Маҳкумларни озодликка чиққандан кейин ишга жойлаштириш ва мослаштириш муаммоларини ҳал қилиш учун маъмуриятнинг ўзи ушбу ишчиларнинг меҳнатидан фойдаланишдан манфаатдор бўлган турли иш берувчилар билан алоқа ўрнатади. Бу

<sup>4</sup> *Кваша Л. Ф.* Особенности правового статуса шерифа и его значение для правового регулирования деятельности местной милиции // Местное самоуправление: теория и практика. – М., 2016. – С. 197.

<sup>5</sup> Криминология / Под ред. Дж.Ф. Шели / Пер. с англ. – СПб., 2013. – С. 466–470. 4 Административная деятельность ОВД. – М., 2016. – С. 17–18.

<sup>6</sup> *А.Н. Козырин.* Административное право зарубежных стран: учебное пособие. – М., 2014. – С. 120-б.

<sup>7</sup> *И.П. Антонов, Л.М. Алферов.* Полиция Германии: История и современность: учебное пособие /. – М., 2014. – С. 65-б.

<sup>8</sup> *В.В. Лазерев, Ю.Н. Болтенко.* Компетенция органов местного самоуправления Германии в сфере правопорядка // Местное самоуправление: теория и практика. Труды Академии Управления. – М., 2015. – С. 215 б.

<sup>9</sup> Полиция Германии: История и современность. – М. 2015. – С. 80–81.



нафақат бўшатирилганларнинг мослашувини яхшилайти, балки уларнинг мавжуд меҳнат қўникмаларини сақлаб қолиш ва янгиларини ўзлаштиришга ёрдам беради. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасасига маҳкумларнинг оила аъзолари ва бошқа қариндошлари билан, айниқса, озодликка чиқиш ва озодликка чиқишга яқин бўлган даврда алоқа ўрнатиш ва сақлаш вазифаси юклатилган.

Германияда илгари судланган назорат остидаги шахсларга нисбатан суд томонидан тайинланадиган маъмурий чекловлар ва бошқа мажбуриятлар Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексининг 68-§ параграфи билан белгиланади. Унга кўра суд назорат муддати давомида ёки ундан кам бўлган муддатда қуйидаги чекловлар ва мажбуриятларни ўрнатиши мумкин:

1) назорат органининг рухсатисиз яшаш ёки турар жойини, шунингдек маълум бир ҳудудни тарк этмаслик;

2) унга янги жиноят содир этишига имкон берувчи ва шароит яратувчи жойларда қолмаслик;

3) жабрланувчи ёки унинг жиноят содир этишига сабаб бўлувчи бошқа шахслар билан муносабатларга киришмаслик (алоқа қилмаслик), уларни ишга ёлламаслик, уларга таълим ва турар жой бермаслик;

4) жиний ҳаракатларга сабаб бўлувчи суд томонидан тақиқланган муайян ҳаракатларни бажармаслик;

5) жиний ҳаракатларга сабаб бўлувчи суд томонидан тақиқланган муайян ашё ва буюмланган эгалик қилмаслик ва уларни сақламаслик;

6) жиноят содир этишга имкон берувчи транспорт воситаларига эгалик қилмаслик, уларни бошқармаслик;

7) маълум вақтларда назорат органига учрашиш ва ҳисобидан ўтиб туриш;

8) яшаш ва иш жойи ўзгариши тўғрисида назорат органини дарҳол хабардор қилиш;

9) ишсизлик ҳолатларида меҳнат биржалари ва иш билан таъминлаш марказларига мурожаат қилиш;

10) алкоголь маҳсулотлари ва гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилмаслик;

11) маълум вақтларда шифокор (психотерапевт) ёки суд амбулаторияси қабулига келиб туриш;

12) ёнида доимий равишда унинг ҳолатини кузатиб бориш имконини берувчи техник воситаларни олиб юриш ҳамда уларнинг ишлашига халақит бермаслик<sup>10</sup>.

Европа мамлакатлари орасида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида яна бир ўзига хос жиҳатга эга бўлган тизим Францияда шаклланган. Франциянинг тўлиқ маҳаллий бюджет ҳисобидан таъминланадиган муниципал полицияси шаҳарлар ва бошқа аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлайди ҳамда хавфсизлигини таъминлаш ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олади ва бу борада улар Миллий полиция билан узлуксиз ҳамкорликда фаолият олиб борадилар. Франция Миллий полициясига полициянинг барча

<sup>10</sup> Головненков П.В. Уголовное уложение Федеративной Республики Германия – Strafgesetzbuch (StGB) – Научнопрактический комментарий и перевод текста закона. - Universitätsverlag Potsdam, 2021. - С. 143-144.



функциялари, жумладан жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш функцияси ҳам юклатилган бўлиб, уларни самарали таъминлаш мақсадида, унинг таркибида йигирмага яқин бош бошқарма, бошқарма, марказ, институт ва хизматлар фаолият олиб боради. Миллий полиция таркибидаги Жамоат хавфсизлиги бош бошқармасининг асосий вазифаси бевосита жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасидан иборат.

Франция ИИБ Миллий полицияси сингари Бош дирекция раҳбарлик қилувчи ҳарбийлашган Миллий жандармерия ҳам жамоат хавфсизлигини, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Жандармерия қишлоқ хуудларида ва мамлакат аҳолисининг ярмини, давлат хуудининг 90 фоизини ташкил этувчи унча катта бўлмаган шаҳарларда полиция вазифасини бажаради. Маҳаллий жандармериялар тузилиши ва амалга оширадиган вазифаларига кўра Миллий полицияга жуда ўхшашдир<sup>11</sup>.

Буюк Биританияда патруллик нарядлари хизмат фаолияти мобайнида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, йўл ҳаракатини тартибга соладилар ва назорат қилдилар, яширинган жиноятчиларни қидириб топишда иштирок этадилар, бошқа тармоқ хизматлари учун керакли маълумотларни тўплайдилар ҳамда турли фавқулодда вазиятларда фуқароларга ёрдам кўрсатадилар. Ривожланган мамлакатлар полициясининг патруллик хизматларига замонавий техник таъминот хос бўлиб, бу нарядларнинг юқори сафарбарлигига эришиш имконини беради. Масалан, Лондоннинг у чекка провинциясидан бу чеккадаги провинциясигача жиноят ҳақида хабар тушгач, патруль бўлинмаси диспетчерлик пунктдан ўртача 2,5–3 минут ичида воқеа жойига етиб боришга қодир. Патруль нарядлари ахборот таъминотига ҳам катта эътибор қаратилган. Улар алоқа воситалари ва компютер техникаси билан яхши қуроллангани боис керакли маълумотни тезда ахборот марказининг маълумотлар базасидан олиш имконияти мавжуд.

Кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда полициянинг қарши кураш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини енгиллаштириш мақсадида катта кўчалар ва посёлкаларда видеокузатув ускуналари ўрнатилди бошланди. Мазкур камераларда олинган ҳуқуқбузарлик ёки жиноятга оид суратлар орқали иш олиб бориш полицияга катта қулайлик яратади.

Хорижий давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда кенг қўлланиладиган усуллардан яна бири – ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, «муаммони ҳал қилиш» бўлиб, у полиция томонидан қўлланиладиган замонавий усулларни ўз ичига олган янги иш усули ҳисобланади<sup>12</sup>.

<sup>11</sup> Розенцвайг А.И. Зарубежные модели практик ресоциализации лиц, отбывших уголовное наказание и освобожденных от него: криминологический анализ // Юридический вестник Самарского университета. – 2018. – № 2. – С. 154.

<sup>12</sup> Работа полиции в обществе: Пособие для преподавателей/ Ин-т. «Открытое общества». – М. 2017. – С. 12.



Россия Федерациясида мамлакат Конституциясининг 72-моддасига мувофиқ, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини Россия Федерацияси ва субъектларининг биргаликдаги бошқарувида амалга оширилади. Ижроия ҳокимиятига раҳбарликни амалга ошириш асосида Президент ва ҳукумат қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мулкчилик ва жамоат тартибини қўриқлаш бўйича ташкилий-бошқарув чора-тадбирларини амалга оширади, шунингдек жиноий-ҳуқуқий сиёсатнинг асосий йўналишлари, ресурсларини белгилайди<sup>13</sup>. Россия Федерацияси Президентининг «Россия Федерацияси ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 1996 йил 18 июль фармонида кўрсатилганидек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, объектларни қўриқлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ИИВнинг энг асосий вазифаси ҳисобланади<sup>14</sup>.

Россия Федерациясининг «Полиция тўғрисида»ги 2011 йил 7 февраль қонунда белгиланганидек, полиция ижроия ҳокимияти федерал органининг ички ишлар соҳасидаги ягона марказлашган тизими таркибий қисми ҳисобланиб, фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- шахс, жамият ва давлатни ҳуқуққа хилоф тажовузлардан ҳимоя қилиш;
- жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва фoш этиш;
- жиноятларни аниқлаш ва очиш, жиноят ишлари бўйича суриштирувни амалга ошириш;
- қидирувни ташкил этиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ва маъмурий жазоларни ижро этиш;
- жамоат жойларида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш; йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;
- қурол савдоси соҳасидаги Россия Федерацияси қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- хусусий детективлик ва қўриқлаш фаолияти соҳасидаги Россия Федерацияси қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- мулк ва объектларни қўриқлаш;
- жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноятга оид суд иши юритувидаги бошқа иштирокчилар, судьялар, прокурорлар, терговчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг бошқа мансабдор шахслари ҳамда қўриқланиши талаб

<sup>13</sup> Криминология / Под ред. проф. Н. Ф. Кузнецовой, проф. В. В. Лунеева. – М., 2014. – С. 204.

<sup>14</sup> Указ Президента Российской Федерации от 21.12.2016 г. № 699 « Об утверждении Положения о Министерстве внутренних дел Российской Федерации и Типового положения о территориальном органе Министерства внутренних дел Российской Федерации по субъекту Российской Федерации» [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_209309/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_209309/) (дата обращения: 25.07.2022).



этиладиган бошқа шахсларни давлат ҳимояси билан таъминлаш; эксперт-криминалистик фаолиятни амалга ошириш<sup>15</sup>.

Беларус Республикаси Жиноят кодексининг 80-моддасига кўра, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинган шахсларга профилактика назорати ўрнатилади:

1) ўта хавфли рецидив шахс учун;

2) уюшган гуруҳ ёки жиноий ташкилот таркибида содир этган жиноятларда айбдор деб топилган шахс учун;

3) ўн саккиз ёшга тўлган, оғир ёки ўта оғир жиноят учун судланган ёки қасддан содир этган жинояти учун икки ёки ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахс учун;

4) ўн саккиз ёшга тўлган, оғир ёки ўта оғир жиноят содир етганлиги учун судланган ёхуд қасддан содир етган жинояти учун икки ёки ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсга нисбатан, агар у жазони ўтаб бўлгандан кейин тизимли равишда маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган бўлса, қонун ҳибсга олиш тарзидаги жазони назарда тутати.

Беларус жиноят қонуни профилактик назоратни тайинлаш тартибини ва назорат қилинадиганларнинг ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Биз профилактика назорати ва улар билан боғлиқ чеклашлар ахлоқ тузатиш муассасаси маъмуриятининг таклифига биноан жазони ўташ жойидаги ёки маҳкумнинг яшаш жойидаги суд томонидан белгиланиши ва бекор қилинишини тўлиқ асосли ва долзарб деб ҳисоблаймиз.

Юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан профилактика назорати Беларус Республикаси Жиноят кодексининг 80-моддаси 4-қисмига асосан олти ойдан икки йилгача муддатга белгиланади ва суд томонидан судланганлик муддати давомида узайтирилиши мумкин.

Шунингдек, Беларус Республикасида профилактик кузатув судланганлик муддати доирасида қуйидаги шахсларга нисбатан ўрнатилади: 1) оғир ва ўта оғир турдаги жиноят содир этган ёқуд икки марта қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилинган шахслар; 2) шартли ҳукм қилинган, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган, тайинланган жазо енгилроғи билан алмаштирилган шахслар<sup>16</sup>

Молдова Республикасининг 2008 йил 14 февралдаги “Пробация тўғрисида”ги 8-XVI-сонли қонун мавжуд бўлиб, у пробация органларини ташкил этиш ва фаолиятини тартибга солади, жиноятнинг такрорланишининг олдини олиш учун уларнинг ваколатларини белгилайди, ёрдам ва консул кўрсатишни тартибга солади. Ушбу қонун айрим Ғарб давлатларида пробация хизмати тажрибасига таянади.

<sup>15</sup> Федеральный закон Российской Федерации от 07.02.2014 г. N 3-ФЗ «О полиции» (редакция от 13.07.2015) [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_110165/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_110165/) (дата обращения: 25.07.2022).

<sup>16</sup> Н.Л.Редько. Постпенитенциарный надзор по законодательству Российской Федерации и Республики Беларусь // Вестник Московского университета МВД России. – 2008. – № 4. – С. 117.



Пенитенциар пробація - ахлоқ тузатиш муассасасида амалга ошириладиган ижтимоий-тарбиявий чора-тадбирлар мажмуи, бундай пробациянинг ўзаги маҳқумни озодликка тайёрлашдан иборат.

Жазони ўташдан кейинги пробація - озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинган шахсларга жамиятга қайта интеграциялашуви учун ёрдам кўрсатиш. Бундай иш эркинликнинг янги шароитларига муваффақиятли мослашиш учун жуда муҳимдир. Бу озод қилинган шахсни ушбу шартларга тайёрлаш билан боғлиқ ва муассасанинг ўзида ишнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинган ва ижтимоий мослашувга муҳтож шахслар билан уларга тегишли ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилади. Шартноманинг шартлари ва шакли Республика Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Пробація органлари, жумладан, қуйидаги функцияларни бажарадилар:

– жиноий жазодан шартли равишда озод қилинган шахслар устидан назоратни амалга ошириш;

– жазони ўташдан кейинги ёрдам ва маслаҳатлар бериш;

– фаолияти бевосита ёки билвосита пробація билан боғлиқ бўлган турли марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

– пробація субъектлари учун ижтимоий тузатиш дастурларини амалга ошириш;

– шахсларни озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилишга тайёрлашда жазони ижро этиш муассасалари билан ҳамкорлик қилиш.

Пробація хизмати қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– пробація ҳаракатларини амалга ошириш учун пробація субъектларини чақириш;

– жиноят қонунига зид бўлган шахслардан уларга юкланган вазифаларни талаб қилиш;

– ўз фаолияти вазифалари доирасида пробація субъектларига нисбатан жиноий ва маъмурий ишларни кўриб чиқиш имкониятига ега бўлишлари;

– хизмат мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлганда, жазони ижро этиш муассасаларига бепул киришга;

– пробація субъектларига уларнинг жойлашган жойи, яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи бўйича ташриф буюриш;

– жиноят қонунчилигига зид бўлган ва ўз вазифаларини бузган шахсларга огоҳлантиришлар қўллаш;

– марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ёки жисмоний шахслардан пробація фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни сўраш;

– озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод етилган шахсларни ижтимоий мослаштириш бўйича давлат дастурлари бўйича таклифлар киритиш.

Пробація хизматини ташкил этишнинг алоҳида долзарблиги ва Россияда ҳам, МДХнинг бошқа аъзо давлатларида ҳам тажриба йўқлиги ҳисобга олинса, ушбу тажрибани МДХга аъзо бўлмаган мамлакатларда ўрганиш алоҳида амалий қизиқиш



уйғотади. Ушбу мамлакатларнинг аксариятида ушбу хизмат барқарор ривожланди. Уларнинг тажрибаси диққат билан ўрганишга лойиқдир.

Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда пробация хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари жиноий жазога тортилиши лозим бўлган шахслар билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашдан кейинги босқичларда давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Илгари судланган шахсларнинг маънавий савияси ва билим даражасини ўстиришнинг узлуксизлигини таъминлаш, ижобий томонга ўзгарган ва етарли натижага эришган муқаддам судланган шахсларни ва жазосини ўтаётган маҳкумларни рағбатлантиришни йўлга қўйиш муҳим ҳисобланади.

Юқорида ўрганилган тажрибалар асосида келгусида илгари судланган шахслар жиноятларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

– илгари судланган шахслар ЖИЭМдан озод этилганларидан кейин уларни ижтимоий ҳаётга қўништириш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мунтазам ҳамкорлик қилиш механизмнинг ишлашини таъминлаш;

– ушбу тоифадаги илгари судланган шахсларнинг ҳаётига салбий таъсир қилувчи криминоген вазиятларни ўз вақтида аниқлаш, бартараф этиш, таъсирини кучсизлантириш бўйича чора тадбирларни мунтазам равишда амалга оширишга;

– илгари судланган шахсларнинг бўш вақтларини қандай ўтказаяётганликларини оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва жамоатчилик вакиллари ёрдамида мунтазам назорат қилиб туриш, яқка тартибдаги профилактик ишларни амалга оширишни самарали ташкил этиш;

– илгари судланган шахсларни иш билан таъминланган тадбиркорларга солиқ имтиёзлари ва имтиёзли кредитлар ажратиш;

– турар-жойга эга бўлмаган илгари судланганлар учун иш жойида яшаб ишлашлари учун шароит яратиб бериш чораларини кўриш, бунда шундай шароитли иш жойини ташкил қилган тадбиркорларни, уларда яшаб ишлаётган илгари судланганларнинг сонига қараб, ҳар ойда давлат томонидан қўшимча имтиёзлар яратиш механизминини ишлаб чиқиш;

– илгари судланган шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби ва қоидаларига тўлиқ амал қилиш, уларга нисбатан ўрнатилган махсус профилактик чора-тадбирларни ўз вақтида олиб бориш, шунингдек уларга нисбатан ўрнатилган қонуний чеклашларни тўғри танлаш зарур бўлади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, хорижий давлатларнинг илгари судланган шахслар билан ишлаш фаолиятининг илғор иш тажрибасини ўрганиш ва уларни амалиётга жорий этиш ушбу йўналишдаги ишларни самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

### **Iqtiboslar/Snoski/References:**

1. Мышляев Д.Н. О роли участковых инспекторов милиции в предупреждении административных деликтов, посягающих на общественный порядок// Проблемы



- деятельности служб общественной безопасности на современном этапе. – М., 2000. – С. 100.
2. Южанин В.Е. Дисциплинарная ответственность заключенных в тюрьмах Англии: аналитич. обзор; М-во юстиции Рос. Федерации, Акад. права и упр. Рязань, 2004. – С. 16.
  3. Bureau of Justice Statistics, U.S. Department of Justice. 2017. // URL: <http://bjs.ojp.usdoj.gov/content/glance/tables/corr2tab.cfm>.
  4. Кваша Л. Ф. Особенности правового статуса шерифа и его значение для правового регулирования деятельности местной милиции // Местное самоуправление: теория и практика. – М., 2016. – С. 197.
  5. Криминология / Под ред. Дж.Ф. Шели / Пер. с англ. – СПб., 2013. – С. 466–470. 4 Административная деятельность ОВД. – М., 2016. – С. 17–18.
  6. А.Н. Козырин. Административное право зарубежных стран: учебное пособие. – М., 2014. – С. 120-6.
  7. И.П. Антонов, Л.М. Алферов. Полиция Германии: История и современность: учебное пособие /. – М., 2014. – С. 65-6.
  8. В.В. Лазерев, Ю.Н. Болтенко. Компетенция органов местного самоуправления Германии в сфере правопорядка // Местное самоуправление: теория и практика. Труды Академии Управления. – М., 2015. – С. 215 б.
  9. Полиция Германии: История и современность. – М. 2015. – С. 80–81.
  10. Головненков П.В. Уголовное уложение Федеративной Республики Германия – Strafgesetzbuch (StGB) – Научнопрактический комментарий и перевод текста закона. - Universitätsverlag Potsdam, 2021. - С. 143-144.
  11. Розенцвайг А.И. Зарубежные модели практик ресоциализации лиц, отбывших уголовное наказание и освобожденных от него: криминологический анализ // Юридический вестник Самарского университета. – 2018. – № 2. – С. 154.
  12. Работа полиции в обществе: Пособие для преподавателей/ Ин-т. «Открытое общества». – М. 2017. – С. 12.
  13. Криминология / Под ред. проф. Н. Ф. Кузнецовой, проф. В. В. Лунеева. – М., 2014. – С. 204.
  14. Указ Президента Российской Федерации от 21.12.2016 г. № 699 « Об утверждении Положения о Министерстве внутренних дел Российской Федерации и Типового положения о территориальном органе Министерства внутренних дел Российской Федерации по субъекту Российской Федерации» [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_209309/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_209309/) (дата обращения: 25.07.2022).
  15. Федеральный закон Российской Федерации от 07.02.2014 г. N 3-ФЗ «О полиции» (редакция от 13.07.2015) [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_110165/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_110165/) (дата обращения: 25.07.2022).
  16. Н.Л.Редько. Постпенитенциарный надзор по законодательству Российской Федерации и Республики Беларусь // Вестник Московского университета МВД России. – 2008. – № 4. – С. 117.